



- Вилоят прокуратураси тўла модем алоқасидан фойдаланади
- 600 тоннадан ошиқ буғдойнинг «чанги»ни чиқарган коррупциячилар
- 18 вагон истеъмолга яроқсиз спирт ушлаб қолинди
- Ўз фарзандларини қувғин қилган «ота»

2-бет.

4-бет.

5-бет.

6-бет.

МУСТАҚИЛЛИК ҲУҚУҚ ДЕМАҚДИР ҲУҚУҚ

ЮРИДИК ГАЗЕТА

1998 йил
15 июл, чоршанба

27 (39)

Газета 1997 йил 27 августдан
чиқа бошлаган

Воқеа

МЕҲР-МУРУВВАТ КЎПРИКЛАРИ ШОҲИМАРДОНГА БОҒЛанаДИ

12 июль куни Республика Президенти И.Каримов Фаргона вилоятининг табиий офатдан зарар кўрган Шоҳимардон қишлоғида бўлди.

Мамлакатимиз раҳбари табиий офатдан зарар кўрган ҳудудларни кўздан кечириб, ҳукумат комиссияси томонидан бажарилаётган ишлар билан танишди. Талофат оқибатларини тезда бартараф этиш юзасидан аниқ топшириқ ва кўрсатмалар берди.

Марҳумларнинг оила аъзоларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишда расмиятчиликка йўл қўймаслик, маросимларни ўтказишга кўмак

лашиш, сув йўллари бир меъёрга солиш, дарё қирғоқларини мустаҳкамлаш ишларини амалга ошириш лозимлигини юртбошимиз алоҳида таъкидлади. Шунингдек, автомобиль йўллари, электр таъминоти, родо ва телефон алоқасини мунтазам йўлга қўйиш, бу ишларга қўшни вилоятлардаги мутахассисларни жалб этиш, қурилиш ишларини жадаллаштириш, аҳолига зарур тиббий хизмат

кўрсатиш, эпидемиологик ҳолатни пухта ўрганиш, одамларни керакли доридармонлар билан таъминлаш, офатдан зарар кўрганларга моддий ёрдам бериш кечиктириб бўлмас вазифа эканлигини ўқтириб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти номига Шоҳимардон қишлоғида рўй берган табиий офат муносабати билан Озарбайжон, Қирғизистон, Грузия ва Қозғистон Республикалари Президентларидан таъзияномалар келди.

Президентимиз айтганидек, меҳр офатни енгади.

Бунинг учун барча савобталаб инсонлар табиий офатдан зарар кўрган Шоҳимардон қишлоғига ёрдам бериши керак.

Чоршанбадан Чоршанбагача

Ўзбекистон Республикасининг Озарбайжондаги Фавкулда ва Мухтор элчиси Абдугуфур Абдурахмонов Бокуда Озарбайжон Республикаси Президенти Ҳайдар Алиевга ишонч ёрлигини топширди.

Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг етти йиллиги таъйёрлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий кўмитасининг мажлиси бўлди.

9 июл куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман) ҳузуридаги фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлди. Йиғилишда Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакил (Омбудсман) институтининг биринчи ярим йиллик ҳисоботи, Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакил (Омбудсман) институтининг меъёрий ҳужжатлари ҳақидаги ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Вазирлар Маҳкамасида қишлоқ хўжалигида ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

1998 йил 10 июл куни Урганч шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессиясида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси», «Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси», «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида» ҳамда «Дехқон хўжалиги тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунларни амалиётга тадбиқ этиш масалалари муҳокамасига бағишланган навбатдаги минтақавий илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ва Адлия вазирлиги ташаббуси билан ҳуқуқий маърифат ва тарғибот Республика Маркази ҳамкорлигида ўтказилган бу анжуманда Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси прокуратура, адлия ва суд идоралари ходимлари иштирок этдилар.

Моҳият

Илм афзалми, мол-дунё?

Мол-дунёни сарфласанг, камаяди,
Илми қанча сарфласанг шунча кўпаяди.

Илми кишининг дўсти кўп бўлади,
Мол-дунё эгасининг душмани.

Илм Сизни кўриқлайди,
Мол-дунёни Сиз кўриқлайсиз.

Сирдарё вилоятининг маркази кундан-кун тобора чирой очиб бормоқда.

Суратларда: Бугунги Гулистон манзаралари.



